

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 90 (10.143)

2004 ЙИЛ 12 МАЙ

МАКТАБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

11 май куни Оқсарой қароргоҳида Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бўйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов бошқарди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асосида, мактаблар моддий техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёрлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Унга мувофиқ Дастурни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тuzилган эди. Республикаимиздаги мавжуд мактабларнинг бугунги аҳолини, моддий-техника базасини батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси бўйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Тайёрланаётган Дастурни умуммиллий давлат дастури, деб аташ мақсадга мувофиқдир. Таълим ривожини миллат, халқ тақдирига, унинг келажагига дахлдор эканини кўзда тутадиган бўлсак, ушбу дастур ижроси умуммиллий масала дедимки, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Президентимиз 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастури лойиҳасини маромига етказиш юзасидан амалий тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Курилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ахборот берди.

(Йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг кейинги сонидан эълон қилинади).

ЎЗА

XVI сароси

Берча мавбалаардан оллинган сўйгга хабарлар

Мамлакатимизда


- Наманган Давлат университетида «Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш: ҳуқуқий асослар ва демократик мезонлар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Тошкент вилоятидаги «БМКБ-Агромаш» ахциядорлик жамиятида «Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштиришдаги юқори самарали техник инновациялар ва ил-ғор технологиялар» мавзусида кўргазмали семинар ташкил этилди.
- Шахрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» ўзбек-япон-турк кўшма корхонасида тайёрланган маҳсулотлар мамлакатимиз энгил саноати тарихида илк бор «Халқаро ISO 9001-2000» сифат бошқарув тизими сертификатига лойиқ деб топилди. Англия, АҚШ, Греция, Италия, Туркия, Португалия, Бельгия каби мамлакатларга кўшма корхонанинг жами 180561 минг доллар миқдоридagi маҳсулоти экспорт қилинди.
- Андижоннинг турли сихат-гоҳларида фаолият кўрсатаётган ўрта табибёт ҳодимларидан 12 нафари малакаларини ошириш учун Исроил давлатига жўнаб кетди.

Жаҳонда

- Маълумки, шу йил 14 мартда Россия Президенти Владимир Путин мамлакат Президентлигига қайта сайланган эди. Москвада Путиннинг қайтадан президентлик вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан инаугурация маросими бўлиб ўтди.
- Филиппинда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, президентлик учун сайловда амалдаги давлат раҳбари Глория Аррайонинг имкониятлари юқори баҳоланмоқда.
- Германиянинг Шенефельд аэропортида ILA-2004 аэрокосмик кўргазмаси очилди. Кўргазмада фуқаро авиациясининг янги моделлари — юк ташувчи, ҳарбий, шахсий ҳамда спорт самолёт ва вертолётлари намойиш этилмоқда.
- АҚШ мудофаа вазирлиги ироқлик аскарларни ҳўрлаган ва азобларга дучор қилган ҳарбийлар устидан суд 19 май куни бошланишини билдирди.
- Нью-Йоркда бўлиб ўтган Sotheby's ким ошди савдосида Пабло Пикассо ижодига мансуб «Найчакки бола» рангтасвир асари 104 миллион долларга сотилди ва ким ошди савдоларида сотилган энг қимматбаҳо санъат дурдонасига айланди.

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ КИТОБ ҲОЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқи «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ» номи билан нашрдан чиқди. Китобни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти кўп минг нусхада чоп этди.



Китобда шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган муҳиш террорчилик ҳаракатлари ҳамда ҳозирги кунда бутун дунёда ташвиш тўғдираётган халқаро терроризм ва диний ақидапарастилик, уларнинг аянчилик оқибатлари ҳақида атрафлича фикр юритилади.

Барчага аён бўлиши кераки, ганимларимизнинг асосий нияти Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдартириш, танлаган йўлимиздан қайтаришидир.

Китобда юртимизда миллатлараро тотовлиқни мустаҳкамлашга, олижаноб мақсад-муддаоларга етиш йўлида бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшнилари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришишимиз кераклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, «Уз уйингни ўзинг асла» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакорр Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

- БУГУН 118-мактабда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ва «Проктэр энд Гэмбл» компанияси ҳамкорликларида ишлаб чиқилган «Жозибодор табассум» ва «Балогат даври» ўқув-амалий дастурлари доирасида машғулотлар ўтказилди.

- БУГУН Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлик спорт мажмуасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» шаҳар слётини ўтказди.

- ЭРТАГА «Табассум» қаҳвахонасида Яккасарой туман ҳоқимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Оила ва аёл» нодавлат-нотижорат маркази ҳамкорликларида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Хайрия-шоу» марафони ўтказилади.

- БУГУН «Ўзбекистон—қўшиқ байрами» кўрик-танловининг

нинг Миробод ва Яккасарой туманлари босқичлари бўлиб ўтди.

- КЕЧА Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган «Хива, Бухоро, Шахрисабз, Самарқанд шаҳарларида ва бошқа ҳудудларда маданий ёдгорликларни асраш учун жиҳозларни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида «Таъмиршунослик» илмий-тадқиқот институтига умумий қиймати 770 минг АҚШ долларига тенг бўлган археология қадимий обидаларни таъмирлаш жиҳозлари ҳамда юк ташини ва кўтариш машиналари тақдим этилди.

- КЕЧА «Radisson—SAS-Tashkent» меҳмонхонасида Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

- БУГУН Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласи гузарида «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Бектемир туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган тadbир «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода бошчилигидаги ҳайъат ГФРда бўлиб қайтди.

Ташриф давомида мамлакатимиз вакиллари Германия Федерал адлия вазирига давлат котиби Х.Гайгер, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирига давлат котиби Э.Штатер ҳамда Берлин шаҳар сенати адлия департаменти раҳбари В.Кребс билан музокаралар ўтказди.

Мазкур мулоқотлар чоғида томонлар фуқаролик, процессуал, жиноий,

суд-маъмурий ҳуқуқи масалалари, жазони ўташ амалиёти борасида фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ҳайъати Бремен, Карлсруэ ва Лейпциг шаҳарларида ташриф буюриб, Германия адлия муассасалари фаолияти билан яқиндан таништи.

Аслам АҚБАОВ,
«Жаҳон» АА.
Берлин.

КИЧИК СЕРЖАНТЛАРНИНГ КАТТА ОРЗУЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактаблари Қуролли Кучларимизнинг янада такомиллашувида муҳим самара бермоқда.

Тошкент ҳарбий округининг Чирчиқ шаҳридаги кичик сержантлар тайёрлаш мактабиде курсантларнинг навбатдаги битирув маросимида шу фикр алоҳида таъкидланди. Тадбирда ҳарбийлар, курсантларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, Тошкент ҳарбий округи қўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинлари қўмондони, генерал-лейтенант Ф.Тешаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоев ва бошқалар курсантларни илк ҳарбий унвон ва масъуляти хизматининг бошланиши билан қизгин табриқлади.

— Мактабимизда Қуролли Кучларимизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмалари учун ўнлаб йўналиш бўйича мутахассислар - сержантлар тайёрланади, - деди сержантлар мактаби бошлиғи, полковник Назиржон Саидов. - Сержантликка номзод 25 ёшдан ошмаган, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган, барча синовлардан муваффақиятли ўтган бўлиши лозим.

— Олти ой мобайнида кичик командирлик йўналиши бўйича тахсил олдим, - дейди сержант Азиз Сулаймонқулов. - Амалий ва назарий машғулотларда тажрибали офицерлардан ўрганган билимларни энди амалиётда қўллайман.

— Бугун мен учун унутилмас кун, - дейди Зафар Юнусов. - Шартнома асосида хизмат қилишни, кичик сержант унвонини олишни орзу қилар эдим. Мана, ниятимга етдим. Энди Ватанимга, халқимга садоқат билан хизматни давом эттираман.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Собир Раҳимов туманидаги «Хастимом» маҳалласи шахримизнинг энг аҳил ва файзли гўшаларидан бири ҳисобланади. Маҳалла бешта ҳудудга бўлинган бўлиб, бу ерда 7 миң киши аҳил-баҳамжиҳат истиқомат қилади.

«Хастимом» маҳалласида барча байрамлар ва кутлуғ кунларни уюшган ҳолда, кўпчилиكنинг саъй-ҳаракатлари билан нишонлаш хайрли анъана тусига кирган. Жумладан, Хотира ва Қадрлаш куни ҳам маҳалланинг Зарқайнар ҳудудида ихчам ва файзли тарзда нишонланади.

Тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, туман ҳокимлиги вакиллари ва яқин-атрофдаги маҳаллалардан меҳмонлар таклиф этилди.

Хотира ва Қадрлаш кечасини «Хастимом» маҳалласи Зарқайнар ҳудуди бошлиғи Фарҳод ака Умаров очганидан сўнг, бу кунларга етмаган маҳаллалар руҳига тиловат қилинди.

Туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Саидахмад Обидов, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Раҳматуллаев ўтганларни эслаб, ён-атрофимиздаги кишилар, яқинларимиз, айниқса табаррук нурунийларимизни қадрлаш барчамизнинг энг муқаддас инсоний бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.



ЎТГАНЛАР РУҲИ ЁД ЭТИЛДИ

Юртбошимиз ташаббуслари билан бундан олти йил аввал 9-май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган эди. Ушундан бери бу кутлуғ кун ўзгача тарзда нишонланиб, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-иззат кўрсатилади, ўтганлар руҳи ёд этиб келинади.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Гулзор» гузариде 350 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиёла чойга таклиф этилиб, улар учун чиройли байрам дастурхони тузалди. Туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» ва «Нуруний» жамғармалари томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ватан озодлиги учун курашган, жанг майдонларидан омон қайтган фахрийлар, даҳшатли уруш кетаётган йилларда фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва галабани таъминлашга ўз ҳиссасини қўлган инсонлар дийдор кўришиб, ўтган кунларнинг оғир дамланини, шахид кетган сафдошларини ёдга олдилар, тинч ва осуда осмон, мустақил диёримизда юз бераётган хайрли ўзгаришлар ҳақида дилдан сўхбатлашдилар.

— Туманимиздаги 48 та маҳаллада мана шундай учрашувлар ўтказилиб, табаррук, кекса отахон ва онахонларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, — дейди биз билан сўхбатда туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Равшан Обидов. — Уларнинг ҳар бирларига совғасалом ва моддий ёрдам топширилди. Дарҳақиқат, фахрийларимизга ҳар қанча иззат-икром кўрсатсак арзийди, чунки улар чеккан захматлар, фидойийлик сабаб дорилмомон кунларга етиб келди. Ёруғ кунлар қадрига етиб, уни асраб-авайлаб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шу кунлари мана шундай хотирлаш

ва қадрлаш тадбирлари тумандаги «Сарҳумдон», Собир Раҳимов туманидаги «Антарес» қаҳвахонасида ҳам бўлиб ўтди. Яққасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалласида ўтказилган тадбир эса ниҳоятда ўзгача руҳда бўлди.

— Маҳалламизда 5000 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Комил Мухамедов. — Шулардан 29 нафари уруш фахрийлари, 8 нафари эса афғон уруши қатнашчиларидир. «Карвон» қаҳвахонасида барча фахрийларимиз учун чиройли тадбир ташкил қилдик. Ҳар бирларига имкон қадар совға-салом, моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари топширдик.

Маҳалладаги уруш ва меҳнат фахрийси Эргашхон Мирзаева ва Файзулла Зоҳидовларнинг уйларига бориб йўқланди. Бу табаррук инсонларга алоҳида совғалар топширилди. Чунки бугун уларнинг таваллуд айёмлари нишонланди. Улар 9-май куни 84 ёшини тинч кунларда шўқроналик билан қарши олдилар.

Бугун республикамиз, шахримизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб ўтган тадбирлар эл-юрт фидойиси бўлган инсонларнинг меҳнати, қадр-қиммати ҳеч қачон унутилмаслиги, ҳаммиса иззату иқромда бўлишларини аққол ифодаси бўлди десак адишмаймиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти анъанавий тарзда ҳар йили уруш ва меҳнат фахрийларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, қатор тадбир ва учрашувлар ўтказиб, ётуғлик беморларнинг уйларига бориб йўқлаб меҳр-муруват кўрсатиб келади.

УЙЛАРИГА БОРИБ ЙЎҚЛАНДИ

Куни кеча ана шундай савоҳат тадбирларидан бири Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ўтказилди. Яъни, шахримиздаги ўн битта туманда истиқомат қилувчи 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ташкилотда узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳозирда пенсияда бўлган 10 нафар кексаларнинг уйларига совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам билан борилиб, Меҳр ва муруват йиллида яна бир бор ғамхўрлик кўрсатилди.

— Ҳар бир ҳордонига кириб борганимизда фахрийларимиз ва кекса инсонларнинг кўзларидеги шўқроналикни, миннатдорлик сўзларини эшитганда ўзимиз ҳам тўқилганиб кетдик, — дейди ташкилотнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Нарзиқудд Ризаматов биз билан сўхбатда. — Биз бундай тадбирларни нанки байрамларда, балки йил давомида ўтказиб келамиз. Бетоб,

ёрдамга муҳтож инсонларни имкони борича қўлаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

— «Ватанпарвар» ташкилоти ходимларининг уйимизга кириб келиши одамни бениҳоя ҳурсанд қилиб юборди, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Ориф Зиёдуллаев. — Барчаларига раҳмат. Юртбошимизнинг биз фахрийларга моддий ёрдам ва иззат-икром кўрсатиш ҳақидаги махсус Фармонларининг эълон қилиниши, уйлайманки Ватан, халқимиз олдидаги хизматларимиз унутилмаганидан далолат бериб турибди.

Шунингдек, Зайтуна Машрапова, Владимир Самарин каби ўнлаб уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам ўз миннатдорчиликларини газетга орқали албатта эълон қилишимизни сўраб, илтимос қилдилар.

Биз ҳам уларга ҳаммиса соғ-омон юришларни, эртанги кунимизнинг нурили истиқболини кўришларини тилаган ҳолда хайрлашдик.

ШОҲИДА МАҲСУМОВА

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолияти доирасида самарадорликка, яъни фойдага эришиш мақсадиде куйидаги саволларга жавоб топиши даркор. «Қанча? Қай даражада сифатли? Нимадан? Қачон маҳсулот ишлаб чиқариш керак?»

МАРКЕТИНГ - ЕТАКЧИ СОҲА

Собик шўролар даврида юқоридаги саволлар ағона ўзгармас жавоб бор эди, бу ҳам бўлса «янан», яъни «режа» эди. Эркин рақобатта асосланган бозор иқтисодиёти эса ушбу саволларга жавоб ахтарувчи махсус маркетинг соҳасининг юртимизга кириб келишига сабабчи бўлди.

Маркетинг, бу — маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб, токи уни сотишнинг ташкил этилишигача бўлган мажмуавий тизимдир. У аниқ харидорларнинг талабини қондириш, бозорни ўрганиш ва олдиндан кўра билиш асосида фойда олишга мўлжалланган. Маркетингнинг асосий мақсади — бозорни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш ва конъюктура ўзга-

ришини олдиндан билиш асосида юқори фойда олишдир. Маркетингни аниқлаш эволюцияси натурал маҳсулотлар алмашувида токи мураккаб бозор маркетинг тизимигача бўлган узок йўлни босиб ўтди. Асосий муаммолардан бири маҳсулот ва хизматларга таклифни аҳоли сонининг ўсиши баробарида кўпайтириш эди.

XIX асрдан бошлаб ишлаб чиқариш самарали ўсиб, таклиф тез фурсатда талабдан ортиб бораверди. Аммо бу ерда яна бир ортиқча маҳсулот муаммоси юзага келди. Бунинг натижасида XX асрнинг 30-йилларида кўпчилик кучсиз компаниялар ўзларини банкрот деб эълон қилди. Ана шу вазиятда фир-

малар учун бозор фаолиятини бошқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулотга талабни рағбатлантиришнинг янгича усул ва воситаларини аниқлаш ва яратиш зарурияти туғилди. Бозорни ўрганиш натижасида маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичига қадар харидорнинг талаби аниқланади ва самарасиз ишлаб чиқариш даражаси минимал миқдорга келтирилади.

Юқоридаги эволюцион жараён ҳозирда бир қанча йирик компанияларнинг вужудга келишига ва маркетингдаги тажрибалардан фойдаланиб бир неча юз йиллардан бери тараққий этишларига сабаб бўлди.

Демак, корхонадаги юқори малакали маркетинг керакли маҳсулотни танлаб, уни фойда ва самарали ишлаб чиқариш, жойлаштириш ва умуман корхонанинг гуллаб-яшнаши гаровидир.

Нафиса ОМОНОВА, Тошкент Молия институти кредит-иктисод факултети 3-босқич талабаси.

Маълум

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Республика талабаларининг фан олимпиадаси бир неча йўналишда олиб борилди. Бу билимлар синовида чет тиллар йўналишида иштирок этган толиби илмлардан бир нечтаси голибликни қўлга киритди.

Ўзбекистон Давлат чет тиллар университетининг иқтидорли ёшлари айниқса юқори курсаткиларга эришдилар. Инглиз тилидан бўлган кўрик якуни бўйича олий ўқув юртининг талабаси Азиз Йўлдошев юқори натижага эришди.

Журналистика бўйича уюштирилган синовларда халқаро журналистика факультетидан Бехзод Фазлиддинов голибликни қўлга киритди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Азиз Хатамов испан тилини пукта эгаллаётганини намён этди.

Ўзбекистон Миллий университетидан Сўғдиёна Парпиева эса немис тили билимдони англис эътироф этилди.

Ҳали талабалар муносиб тақдирландилар.

ИЛМИЙ ИЖОД-КОРЛИК КЎРИГИ

Республика «Илмий ижодкорлик» танлови ёшларнинг техникага оид билимларини мустаҳкамлаш ва уларда ижодкорлик қобилиятини оширишда ўзига хос жиддий синов бўлди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигида уюштирилган бу ўзаро беллашувда кўплаб иқтидорли ўқувчилар аниқланди.

Кўрик беш йўналиш бўйича ташкил этилди. «Кимё ва газ саноати» йўналишида иштирок этган тошкентлик ўқувчи Миромил Азизов совринли ўрин эгаси бўлди.

«Саноат ва агросаноат» йўналишида тошкентлик истеъдод эгаси Вячеслав Гусерев биринчи ўринни қўлга киритди.

Тошкент вилоятидан вакил бўлиб қатнашган Олим Қурбонов эса «Табиятни муҳофаза қилиш» йўналишида ўз истеъдодини намойиш қилиб, биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Танлов иқтидорли болаларни излаб топиш ва улар билан иш олиб боришда ҳам омил бўлиб хизмат қилди.

БОЙ ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШТИРИЛДИ

Плекханов номидаги Россия иқтисодиёти академияси нуфузли олий ўқув юртиларидан бири ҳисобланади. У дастлаб Москва тижорат институти сифатида малакали кадрлар тайёрлаш билан шуғулланди.

Академия томонидан берилган дипломлар ЮНЕСКО комиссияси томонидан сертификатланиб, ҳажондаги 60 га яқин мамлакатда тан олинади.

Ана шу нуфузли таълимий даргоҳнинг жойларда кўпгина шохобчалари бор. Тошкент шохобчаси ҳам йирик ўқув марказлардан бирига айлиниб қолди. Бундан уч йил аввал ана шу шохобча дастлабки талабаларни кучоғига олди. Бугунги кунда унда 500 нафардан ортиқ талаба тахсил кўрмоқда.

Ўтган шу қисқа давр ичида бу ерда иқтисодий таълимнинг қатор илгор педагогик технологиялари юзга келди. Плекханов номидаги академиянинг навбатдаги кўчма йиғилиши Тошкент шохобчасида бўлиб ўтди. Халқаро Плекханов ўқишлари янглик уюштирилган бу тадбир чоғида бакалаврлар тайёрлашга оид бой тажрибалар ҳам умумлаштирилди.


Акбар АЛИЕВ

«Бахт, иқбол... ҳуқуқига эгман» татловига

ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

(Суратли репортаж)

«Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар фонди фаолият бошлаганига ҳам бир ярим йилдан ошди. Фонднинг асосий мақсади Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмак беришдир.



Фонд қошида фаолият олиб бораётган ўқув маркази бу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги кунда пойтахтдаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 200 нафардан ошди болалар ўқув марказимиздаги математика, химия, тарих каби ўндан ошдиқ фан тўғараклари ва касб йўналишлари машғулотларида қатнашмоқдалар, — дейди ўқув маркази бошлиғи Галина Васильевна Смирнова. — Бундан ташқари ўқув марказимиздаги кутубхона ҳам доимо болалар билан гавжум.

Тикувчилик курсида шуғулланаётган қизлар билан мулоқотда бўламиз.

— Ҳафтада 2 марта тикувчилик курсига қатнашмиз, — дейди 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Наоля Сафаева. — Бичиштиқининг илк қоидалари-

ни билиб олдик. Бизга бу ердаги машғулотларга қатнашиш ва меҳрибон устозлар сабоқлари жуда ёқалди.

Кристина Бабиц, Яна Пилимчук, Регина Воганова,

Катя Шамаева каби қизлар ҳам ушбу тўғаракда мароқ билан шуғулланишмоқда.

Миллий рақс ва хорграфия олий мактаби



ўқитувчиси Елена Вишенская ўқув марказида хорграфия бўйича машғулотлар ўтади. Бу ерда ҳам қизлар иштиёқ билан санъат сирларини ўрганишмоқда.

Яна бир гуруҳ қизларни



ранг-тасвир тўғаракда учратдик.

Юлия Веремеева Ҳамза туманидаги 307-мактабда ўқувчиларга ранг-тасвир бўйича машғулотлар ўтади. Аммо бўш вақтларида ўқув марказига шошилади. Бу ерда 21, 22-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари унга мунтазир.

— Болаларда расм чизишга иштиёқ баланд, — дейди Юлия Григорьевна. — Улар чизаётган расмларга қараб, болаларнинг ички дунёсини англаб олишингиз қийин эмас. Ўқув марка-

зи хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бугун бу ерда болаларнинг ўз қизиқишлари бўйича олаётган кўникмалари эртага — катта ҳаётда асқотиши табиий.

Муҳаммад АМИН СУРАТЛАРДА: ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар. Муаллиф олган сурачлар.



Туманларда

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Жамиятимизда ўзини-ўзи бошқариш органларига катта эътибор қаратилиб, маҳаллалар мавқеини кўтариш йўлида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан Тошкент Давлат техника университетида ўтказилди. Хавфсизлик, огоҳлик, тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик мавзуларида мазкур тумандаги маҳаллалар оқсоқолларининг фикр-мулоҳазалари, йил давомида олиб борилган хайрли ишлари ҳуусида маърузалари тингланди.

Ҳозирги кунда Собир Раҳимов туманида 284 мингдан ортиқ киши истиқомат қилиб, ушбу ҳудудда 58 та маҳалла жойлашган. Ушбу туманда кўпгина олий ўқув юртилари, мактаб, лицей, коллежлар мавжуд. Демак ёшларнинг билимли, ватанпарвар, бузгунчи

юяларга қарши кураша оладиган инсонлар қилиб тарбиялаш бу ерда ўтказиладиган хайрли тадбирларга ҳам боғлиқ.

Тадбирда шунингдек, бир қанча маҳаллаларда ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун замон талабларига мос янги кутубхоналар ташкил этишга ҳам келишиб олинди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмаклашиш лозимлиги таъкидланди. Университет талабалари, муаллимлари иштирокидаги мазкур тадбирда фохрийларга совға-саломлар топширилди.

Юлдуз УСМОН

ШАҲСИЙ КЎРГАЗМА

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Бадий академиясининг кумуш медали совриндори, рассом Журъат Раҳмоновнинг шахсий кўرғазмаси очилди.

Рассом 1952 йил Наманган вилоятида санъаткорлар оиласида дунёга келди. Унинг болаликнинг беғубор тасаввурлари, ўсмирлик жўшқинлиги, ёшликнинг бепоён орзулари билан йўғрилган илк асарлари тугилиб ўсган жойида намойиш этила бошланди. 1990 йилларнинг бошига келиб

мусаввир ижодининг намойиши учун вилоят торлик қилди. Сабаби, у яратган тасвирлар аллақачон санъат мухлислари ва мутахассислари назарига тушиб улгурган эди. Шарқнинг гўзаллиги, содда халқнинг оддий ҳаёти, қадриятларимизни ўзида акс эттирган асарлар нафақат юрти- мизда, балки дунёнинг Рос-

сия, АҚШ, Германия, Франция каби давлатларида ҳам намойиш қилинган.

— Хорижий давлатларда ташкил этилган кўрғазмаларим менга машҳур рассомлар билан тажриба алмашиш имкониятини берди, — деди Журъат Раҳмонов. — Менинг асарларим — бу менинг ички оламимдир.

Мазкур кўрғазма рассомнинг саксон биринчи шахсий кўрғазмаси ҳисобланади.

Эргаш ХЎЖАЕВ, «Туркистон-пресс»

ЯНГИ ЛОЙИҲА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши пойтахт метрополитенида янги лойиҳага қўл урмоқда.

«Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади!». Эндиликда Тошкент метроросидаги ушбу анъанавий иборани FM радиостанциялари бошловчилари эълон қилди. Янги лойиҳа доирасида, шунингдек, эстрада юлдузлари ҳам метро йўловчиларини табриклаши кўзда тутилмоқда. «Яхши кайфият» деб номланган тадбирда Руслан Шарипов, Карен Гафуржанов, Севара Назархон, Самандар Ҳамроқулов, «Сахар», «Сетора», «Шаҳзод» гуруҳлари иштирок этмоқда.

Нодирхон СОБИРОВ

Факт ва рақамлар


Бугунги кунда шаҳар ҳудуди 34,8 минг гектарга тенг бўлса, унинг ярмидан камроғи — 15 минг гектари яшил майдон ҳисобланади. Аҳоли сони 2,5 миллионга тенг деб ҳисобланган ҳолда бир кишига ўртача 46,7 квадрат метрдан иборат яшил майдон тўғри келади.
Шаҳарда бир мавсумда 85 минг туп дарахт ва 2,5 миллионга яқин гул кўчатлари экилади. Бугунги кунда шаҳримизда 5 миллиондан ортиқ дарахтлар яшил турлибди, шундан ярми мевалидир.
Хозирги кунда пойтахтимиз ҳудудидан Толариқ, Баротхўжа, Салор, Бузасув, Қорасув, Кайқовуш, Дамаш, Найман каби 7 та канал оқиб ўтади. Бу каналлар пойтахт суви хўжалигига қарашли бўлиб узунлиги 126 километр бўлган 37 та катта ҳажмдаги каналларни сув билан таъминлайди.
Шаҳримизда 450 та маҳалла мавжуд. Шундан 212 таси суғурти суви билан тўлиқ, 170 таси эса қисман таъминланган.
Пойтахтнинг манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда буталарга бўлган эҳтиёжини қондириш юмушлари билан 3 та хўжалик — шаҳар манзарали боғдорчилик ва гулчилик хўжалиги, Шредер номидаги илмий-текшириш институти ва Ботаника боғи шугулланади.
Мутахассисларнинг фикрига қараганда бир гектар майдондаги ўсимликлар фотосинтез жараёнида 200 киши нафас олишига етарли даражада кислород чиқаради ва шу билан бирга соатига 8 килограмм углекислотани ютади. Шаҳарда ҳар бир киши бошига мақбул климини таъминлаб бериш учун 50 квадрат метр яшил зона етарли.
Шаҳар радиацион ҳароратини пасайтиришда ўсимликларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Биргина дарахтнинг сояси остида радиацион ҳарорат 35 даража, яшил майдонларда 40 даражагача очик жойлар ҳароратидан фарқ қилади.
Олимларимизнинг маълумотларига қараганда, одам саломатлиги учун ҳамиша посбон бўлиб келаётган, яъни ўзидан кислород чиқариб, соя-салқин қилувчи ҳамда кишиларга гўзал манзара бериучи дарахтлардан, арча, оқ акация, чинор, тикон дарахт, тол, терак, клён, мевали дарахтлардан олма, жийда, олхўри, тут, нок, бута дарахтлардан дўлана, назматак, сирень ўзидан хушбўй эфир мийи чиқарадиган манзарали гуллардан қашқаргул, чамандагул, шойигул, қўқонгул, тутмачагул, наврўзгул, лопугул, хризантема кабилар ҳавонинг ифлосланишига кўп бардос берадиган ўсимликлардан ҳисобланади. Бу дарахт ва гулларни сановат корхоналарининг майдончаларига, автомобиль серкатнов бўлган йўл чекчаларига экиш фойдалидир.
Манзарали дарахтлардан дуб, каштан, мевали дарахтлардан, ёнқоқ, гилос, шафтоли, гуллардан бегония, картошкагул, гладилус, пиезгул, оқ наргис, пиегунгуллар маданият ва истироҳат боғлари ҳамда дарахт муассасаларининг ҳудудларига ва болалар боғчаларига экилса, кишилар саломатлиги учун катта фойда келтиради.

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қуйдагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: «Қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш — бу шунчаки ҳаваас ёки эрмак эмас, балки шу орқали одамларнинг турмуш шароити, энг муҳими, маънавий дунёси ўзгаради. Турмуш маданияти, маънавият шундай нарсаки, у болалиқдан, боғча ёшидан инсоннинг тарбиясига кирган тақдирдагина ижобий бир натижа беради. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй ўртасида биргаликда гул ва кўчат экиш, деворларни оқлаш, ён-атрофни обод қилиш орқали бехорчилик, ҳар хил фиску фасод ва гийбат гаплар барҳам топади. Шундан сўнг нафақат кўча ёки майдонларда, балки инсон кўнглида ҳам ёруғлик пайдо бўлади. Мен ободлик кўнглидан бошланади, деганда авваламбор, шуни назарда тутаман». Биз ҳам Юртбошимизнинг «Ободлик кўнглидан бошланади» деган сўзларини бежиз сарлавҳага чиқармадик. Сабаби мақолаимизда шу сўзларнинг тагидаги маънога ўзимизча жавоб излаган бўлдик.

Агар юқоридаги гапларни бугун шаҳримизда олиб борилаётган ободончилик ишларига қиёслашса, дилимиз равшан тортади. Ҳеч шубҳа йўқки, кейинги йилларда шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Буни нафақат ўзимиз, ҳатто чет элликлар ҳам эътироф этмоқда. Бугун чиндан ҳам ўхшаши йўқ бу бўстон — Ўзбекистон ичра гулдек яшнаётган азим пойтахт Тошкент таърифини қандай келтиришга тил ожиз.
Тошкентим, порлаган пойтахтсан, букун, Юксалди кўксингда не-не қасрлар.
Сир эмас, бунчалик камолот учун, Керак бўлар эди неча асрлар...
Қахрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг мана шу сатрлари шаҳримизнинг бугунги ҳуснига мос ва хос тушгандек кўринади. Табиийки, «шу юрт фарзандиман, шу тупроқ менинг учун муқаддас», деган инсон зоти борки, тобора хусн очиб бораётган юрт жамоли, ҳусни камоли ҳақида ўз билганича, ўз идрокча сўз айтмай иложи йўқ. Чунки Истиқлол шарофати ила қилинаётган ободончиликлар, янгиликлар ва яшаришлар ҳар биримизнинг кўнглимизни гулгун яшнайтиб, юракларимизни тўлқинлантириб турибди.

Ўтган қисқа мuddат ичида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган оламшумул ишларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди, албатта. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзи бунинг яққол мисоли бўла олади. Зеро, шу йўлдаги хайрли ишларнинг ўзи бир дostonга татигулик. Бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Бугун ораста кўчалар, сўлим оромгоҳлар, обод маҳаллалар, кўша-қўша юлдузли меҳмонхоналар, осмонўпар бинолар, замонавий маҳобатли кўприклар, янги-янги бунёд этилаётган бозорлар нафақат бизни, балки бутун дунё ахлини лол қолдираётгани исботини топгани ҳақиқат.

Тошкентнинг бугунги қиёфасига қараб туриб, Истиқлолнинг буюк қудратли кучига яна бир бор амин бўласан, киши. Ўз эркини қўлига олган, ободлик нашидасини сураётган халқ нималарга қодир бўлиши кўз олдинда гавдаланади. Бугун шаҳри азимдаги диққатга сазовор ишларнинг бошида ким турганлигини синчков халқимиз яхши билади. Тошкентни энг замонавий пойтахт шаҳарга айлантириш ташаббускори, бosh мeъмoри — Юртбошимиз эканлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида пойтахтнинг яшил дастури ишлаб чиқилди. Бунда умуман шаҳар мeъмoрчилигининг, шунингдек ҳар бир кўча, майдоннинг ўзига хос хусусияти, пойтахт туманлари, аънавалари ва уларнинг жойлашиши эътиборга олинди. Мазкур йўналишда кўчатларни ўтқазishi ва парварিশлашини янги усуллари, технологияларидан кенг фойдаланила бошланди. Шу тўғрисида шаҳарнинг асосий қисми янгиликни, янада чирой очди. Кўкаламзорлаштиришда эрта баҳордан то кеч кузгача доимий гуллар ва очилиб турадиган бута ва гул кўчатлари экилишига, мизасозорларнинг кўпайтирилишига алоҳида эътибор берилди. Бугун шаҳарнинг шоҳ кўчалари тагетис, бегония; цинеррия, меритима ва бошқа бир йиллик гуллар билан яшнаб турибди. Ўзининг табиий кўркини йўқотган ва касалланган дарахтлар олиб ташланиб, унинг ўрнига ҳар йили 50-60 минг туп манзарали ва доимий яшил



ОБОДЛИК Кўнглидан бошланади



тиш мумкинки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари илмий ёндошилган ҳолда замонавий қиёфадаги ландшафт мeъмoрчилиги асосида олиб борилаётганлиги билан ҳам янада диққатга сазовордир. Шаҳарнинг марказий қисми йил сайин кўп йиллик дарахтлар, буталар экиш орқали бойитиб, янгиликни борилмоқда. Дарахт ва гул кўчатлари турларини кўпайтиришда янги безак шакллари яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада аъналага айланиб бораётган флористика кўрғазмалари ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Бундай тадбирларда кўнлаб ҳаваскор боғбонлар, гулчилар, турли мулк шаклидаги корхоналар иштирок этмоқда. Бундай ўзаро тажриба алмашиш жуда фойдалидир. Зеро, бугун барчанинг макссади битта — атроф-муҳит муҳофазаси ва жонажон шаҳримизнинг яшил қиёфасини янада бойитишдан иборат.
Бугун ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, минглаб чироқлар нурига тўлган Тошкент оқшомлари, тунги фаввораларнинг ранг-баранг товланиши, марказий кўчалардаги ёруғлик безаклари киши қалбига унутилмас таассурот қолдиради. Бугунги сайёҳ, дунёнинг турли қишлоқларида қадам ранжиде қилган меҳмон музааман пойтахтимизнинг қай бурчагига бормасин ўзига хос ва бетакрор мeъмoрий мажмуалар, осмонўпар

Тошкентим — боғу бўстоним

кошоналар, дам олиш масканларию сайилгоҳлардан бир олам қувонч билан қайтади.
Пойтахтимизнинг манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда буталарга бўлган эҳтиёжини қондиришда учта хўжалик самарали хизмат кўрсатмоқда. Булар шаҳар манзарали боғдорчилик ва гулчилик хўжалиги ҳамда Шредер номидаги илмий-текшириш институти ва Ботаника боғи хизматчиларидир. Шаҳри кўчалари марказий майдонларнинг атрофи янги кўнглидаги гул кўчатлари билан безатилишида бу хўжаликларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.
Худди шу ўринда олдинги даврларда ҳам Тошкентда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётган, деган савол туғилиши табиий. Олиб борилади. Лекин кўпинча маҳаллий иқлим ҳисобга олинмай дов-дарахтлар пала-партиш экиб ташланарди. Ҳар бир дарахтнинг ўзига хос хусусияти инobatга олинмасди. Ободонлаштириш ойлари давомида ҳам бўл, ҳам бўл билан режа учун экилган дарахтлар кейин қаровсиз қолдирилар ва навбатда-

рида бир ниҳол ўстирган киши жаннатга дахл бўларкан. Ўзбек эса йил бўйи пешона терини тўкиб, ер юзиде жаннат яратиб қўйибди. Ўзбекистонинг «Жаннатмакон юрт» деб аталишининг боиси ҳам шунда.
Бугун обод маҳаллаларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Уларнинг баъзиларини тилга олиб, баъзиларини унутиб, бир-биридан камситиб қўйиш мумкин. Шундай экан мисол тариқасида Аҳмаджон Назаров маҳалласини келтириб ўтсак кифоя. Кўчалар гулзор, йўл чекчалари дарахтзор, хонадонлар ям-яшил, озода, саранжом-сарришта. Ана ундан керагича ибрат олинг, керагича ўрганинг.
— Уйимиз ичини қандай безасак, унинг таъки қўринишини, ховлисини ҳам шунақа безашимиз керак. Ҳар иккала безак бир-бирига мос ва хос тушсин, — дейди маҳалла оқсоқоли Собир Комилов.
Яқинда шаҳар айланиб ободонлаштириш борасида қилинаётган яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. Навой кўчасининг икки чеккасида тахминан ҳар 100 метр оралиғида экилган анвойи гуллар бир томонлама конус шаклида махсус пастак деворча билан тўсиб қўйилди. Бу манзара атрофга гўзаллик бахш этиб туриши билан ҳар қан-



дай киши диққатини ўзига жалб этади. Амир Темур кўчасининг транспорт тўхтайдиган бекатларида эса янада ўзгача кўриниш, у ерда махсус гўштлар билан айвонча шаклига келтирилган ўрталик майдонча бир йиллик гуллар билан яшнаб турибди. Мутахассислардан бу янгиликнинг моҳитини сўраганимизда улар шундай жавоб беришди. Биринчидан бу деворлар гулларни шамоллардан муҳофаза қилади. Иккинчидан улар кўзга яққол ташланиб атрофга фойз бағишлаб туради.
Сафаримиз давомида шундай ибратли ишлар билан бир қаторда ноҳуш манзараларга ҳам дуч келдик. Айниқса, бундай хол кўп қаватли уйлари оралиғидаги майдончаларда ва баъзи хонадонларга қарашли кичик томорқаларда кўзга ташланади. Қанча-қанча оилалар яшаётган баъзи уйларининг олдидаги майдончаларнинг бўш, чанг босиб ётганини кўриб таажжубланасиз. Ахир ўша жойларда дарахтлар яшнаб, гуллар очилиб, атрофга соя-салқин ташлаб турса, биринчи навбатда шу уйларида яшаётган одамларнинг ўзларига фойдалидир. Улар ҳам табиий гўзаллик оламидан баҳраманд бўладилар-ку. Биз бир нарсани яхши биламиз. Одатда кўп қаватли уйларида кўчиб келган оилалар ўртасида дастлаб «томорқачалар» талаш бўлади. Унга эга бўлганлар дарҳол кичик ерни ободонлаш-

тириш ва кўкаламзорлаштириш тараддугига ташадилар. Майли-да, ишқилиб гул, дарахт ўстиришади. Бошқа экин-тикин қилишади. Ишқилиб ундан фойдаланиш пайда бўлишади. Лекин ҳамма ҳам шундай эмас. Баъзилар эса «томорқачалар»ни олишга олишади, унинг меҳнатидан қочишади. Ҳафсаласизлик билан уларни ўз холига ташлаб қўйишади. У ерда ҳеч қимга керак бўлмаган ўт-ўланлар ўсиб ётади. Ҳеч бўлмаса ён қўшиннинг гулзори мевазор, кичик бир бўстонга айлантириб қўйган томорқаларида ҳам ибрат олишмайди. Қизиги шундаки, ўзлари фойдаланмагани фойдаланмаган, лекин бошқа ўша ерни обод қилишга жазм этган миришкор кишига ҳам беришмайди. Ахир, кўп қаватли уйлар олди-орқасини яшнайтиб қўйган оилалар камми? Йўлингиз тушиб ўша жойдан ўтиб қолсангиз табиий гўзалликлардан кўзингиз яшнаб кетади. Ўша оиланинг нақадар фаросатли ва дидлилигига қойил қоласиз.
Ўзининг кенг ховлисию бир неча сотих келадиган ерига эга бўлишига қарамай баъзилар йўлчилар қатновига мўлжалланган катта йўлни ҳам ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишади, йўлчаларни темир панжаралар билан ўраб олишади. Албатта чиллаки чиллакини кўриб чумак уради. Бугун бир кўшинисининг қилимишини эртага бошқаси такрорламайдиган деб ким айта олади. Шу билан йўлчака банд бўлади қўяди. Йўловчи эса юрак ҳовучлаб машина йўлининг чеккасидан юришга мажбур. Ўша хассислар ахир шу ердан ўз оиласи, болалари ҳам юришини бирда эмас бирда, улар билан йўл ҳодисаси рўй бериши ҳам мумкинлигини инobatга олишмайди. «Ҳой инсон, ахир олдин томорқангни гуллаб-яшна, кўчани панжара билан ўраб ҳуснини бузиб нима қиласан», дегувчи йўқ. Бор бўлса ҳам уларнинг гапи инobatга олинмайди. Аслида гуллаб-яшнаётган шаҳримизга бундай ҳолат, бу қадар носамимий гаплар ярашмайдигандек кўринади. Лекин янchorа, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмас экан-да. Қолаверса «бетга айтганимиз захри йўқ».

Маҳалламизнинг кекса отахони Исоқ ота: «Ҳамиша ибрат бўл, меҳнат қил, ибрат одамни яхшиликка, меҳнат эса роҳатга чорлайди, болаларим», деб ўқитардилар. У киши кичкинагина ўз ховлисини обод ва кўркам қилиш учун қишин-ёзин тер тўқардилар. Баҳор, ёз кезлари чамандек бу ховлидаги ҳар хил гул ва майсалар исидан яқин атрофдан ўтган кетганларнинг димоғи чоғ бўларди. Шакл берилган турфа дарахтлар, садафдек ёйилиб чор атрофга соя-салқин ташлаб турарди. Отахон ҳар йили гул ва дарахт кўчатлари етиштирар, қўни-қўшнилар ундан ибрат олиб, ўз томорқаларини обод қилиш ниятида у кишидан ҳали унақа, ҳали бунақа дарахт кўчатларини сўрагани сўраган эди. Отахон уларнинг илтимосларини беминнат қондиради.

— Болаларим, бу ёруғ кунларга етганлар, етмаганлар бор, — дерди у киши. — Не-не ўтмишдошларимиз бундай хур, озода, дориломон кунлар орзу қила-қила дунёдан ўтиб кетишди. Сизлар бу саодатли кунларнинг қадрига етинг. Бу беш кунлик дунё ўтади-кетди. Инсондан фақат яхшилик қолади. Яхшилик фақат дилворлик эмас, балки инсон меҳнати, заковати билан ўлчанади. Эл фаровонлиги, ўз юрти ободлиги йўлида фидойи бўлган инсондан яхши боғ, яхши ном қолади. Зеро, Ватан остонадан бошланар экан, юрт ободлиги ҳам энг аввало хонадонлардан бошланади.

Тан олиш керак, кейинги пайларда маҳаллалар ўраимида «Яшил белбоғ» анча кенгайди. Пойтахтимизнинг дам олиш зоналарида майсазорлар пайдо бўлди. Бу аънава давом этмоқда. Шу билан бирга уй ва ховлиларимизнинг, уларга туташ кўча ва хиёбонларини, майдонларини ҳам кўкаламзорлаштириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этишни кучайтириш бугунги куннинг талаби. Ушбу хайрли ишларда фаол қатнашиш пойтахт жамоатчилиги, маҳалла оқсоқоллари, уларнинг кўп минг кишилик фаоллари, хуллас катта-кичик барчамизнинг инсоний бурчимиз. Ана шундангина ўз ишимиздан, ободончилик йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларимиздан ўзимиз мағрур ва масрур бўлиб юрамиз.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Ўсимликлар дунёси

Ўсимликлар дунёси кенг ва ранг-баранг. Уларни бирма-бир келтириб, санаб, адоғига етиб бўлмайди. Лекин дарахт ва гуллар орасида шундайлар борки, улар нафақат йил бўйи, балки бир неча 10 йиллар давомида кўм-кўк яшнаб, атрофга фойз бағишлаб туради. Албатта шаҳримиз иссиқ шароитини ҳисобга олиб мутахассислар сувга унчалик муҳтоб бўлмаган дов-дарахтлар ва гул кўчатларини кўпроқ экиб парварিশлашни мақсадга мувофиқ деб топадилар. Қуйида ана шундай ўсимликлардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этдик.




НАРГИС

Кўпроқ бу гулли нарцисс деб аташади. Пиёзи билан кўпайдиган оқ, оч ва тўқ сарик, юпка ҳамда дуюхоба кўринишида учрайдиган нарциснинг 12 мингдан зиёд турлари етиштирилган. Ёз ойларида қазиб олинган пиёзларининг йиритини майдонларидан ажратиб, қумга қўйилган ҳолда қоронғулик шароитида ноябрь ойига қадар сақлаш тавсия этилади. Кузининг охири ойда ҳар бир пиёз оралиғи ва чўқурлиги 5 сантиметр бўлган ҳолда экилади.

ҚАРАҒАЙ

200-250 йил яшайди. Табиий ҳолатда бўйи 40 метргача чўзилади. Эман дарахтига қараганда қарағай биринчи йилларданок тез ўсади. Кўкаламзорлаштиришда асосан қарағайнинг оддий ва оқ рангли тури етиштирилади, чунки унинг бу турлари иссиқ ва қуруқ шароитга, хаттоки шўр тупроқларга ҳам мослашган.



АРЧА

Игнабаргли дарахтлар орасида тиканли арча алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг қумуш, мовий, кўк ранглилари кишига ўзгача эстетик қайфият бағишлайди. Бу арчанинг ватани Шимолий Америка ҳисобланади. Қиш мавсумининг юқори ҳароратларини бемалол қабул олади. Агарда тиканли арчага тўғри шакл берилса у яхши ва тез ривожланиб боради. Шаҳар шароитида қушининг тўғри нуриларидан йироқроқ жойларга экиш тавсия этилади.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИҚ
Домо бўлур...

● Агар киши эътиром ва эътибор гавҳарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гавоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тамғасини нафс итнинг бўйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланиб қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғштириб, тиланчилик қилгани маъқул.

● Игитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

● ХИКМАТ. Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

● Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтаяпти деб ўйламан. Балки уни бу феълдан қайтар. Узинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил!

● ХИКМАТ. Сукрот ҳақим айтиди:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор! Байт:

**Зулм асосига қурилган
бино
Ғазаб оташидан вайрон
бўлажак!**

● Ошқор айрилган таъна кўнгулда яширилган гинадан яхши.

● Гулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра даҳшатлироқ.

● Жавобга шовилган киши хатога йўл қўяди.

● Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

● ХИКМАТ. Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

**Чиройли хулқ билан
инсон инсондир.
Четдан боқсанг шакли
ҳаммаси бир хил.**

**Рангу ҳиди билан
фарқи билинар.
Ёшлиқда бир хил**

бўлган «гулу гил»!

● Бир ҳақимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳақим: «Ҳеч нарсдан ранжмайдиған киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

● Мехмонга борганидан уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ёиш беодоблик ҳисобланади.

● Бир меҳмон: «Меҳмон учун меҳмоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазиллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинсан-ю меҳмон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон бемалол еяолмаслиги мумкин.

● Меҳмонда улуг одамлар ўтирган бўлса овқатга улاردан олдин кўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШ РАМЗИ

Гаагада рамзий «Жаҳон тинчлик йўлакчаси»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. У БМТнинг мазкур Голландия шаҳарчасида жойлашган бош судлов органи — Халқаро суд биносига киришдаги хиббонда очилди. Халқаро суд биносини бу ерда «Тинчлик саройи» деб ҳам аташади.

Ўтган йил апрель ойида Гаагада инсониятнинг тинчликка бўлган интилишини ифода этган «Жаҳон тинчлик алангаси» ёдгорлиги қад ростилаган эди. Аланга асосини беш қитъадан келтирилган машаллар ташкил этган. Ёдгорлик атрофига тош йўлакча ётқизилиши бетакор халқаро лойиҳанинг яқиний босқичи бўлди.

Лойиҳа ташаббускори — «Хаёт халқаро жамғармаси» халқаро ноҳукумат ташкилоти Нидерландияда фаолият юритаётган дипломатик ваколатхоналарга ўз мамлакатларида камёб тошлар келтириш ҳақидаги илтимос би-

лан мурожаат қилди. Бу сайёрамиз халқларининг тинчлик ва ҳамкорликка бўлган интилиши рамзига айланishi керак эди.

Жамғарма мурожаатига жавобан Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Гаагада мрамор оникс тошини йўллади. Лойиҳани амалга оширишда 190 дан зиёд мамлакат иштирок этди.

«Жаҳон тинчлик йўлакчаси»нинг тантанали очилиш маросимида Нидерландияда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, Гаага шаҳри жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

“НЕФТ ЭВАЗИГА ОЗИҚ-ОВҚАТ” ДАСТУРИ ТАФТИШ ЭТИЛИМҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқдаги иштирокини кенгайтириш масаласи сиёсий доираларда кенг муҳокама этилаётган бир маҳалда дунё оммавий ахборот воситалари яна бир мавзу — «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури доирасидаги йўл қўйилган ноқонуний ҳаракатлар тафтишига эътибор қаратмоқда.

Маълумки, Ироқда нашр этиладиган «Ал-Мада» газетасининг шу йил январь ойи сонидан Саддам Хусайн томонидан махсус тортиқлар олган 250 нафар кишининг рўйхати эълон қилинган. «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида ҳам анчагина маблағ суиистеъмол қилингани ошқор бўлган эди. Айрим ахборотларга кўра, мазкур дастур доирасида Ироққа озиқ-овқат ва тиббиёт маҳсулотлари етказиб берган фирмаларнинг салкам 75 фоизи нефт ва озиқ-овқат айирбошлаш савдосида кўзбўямачилик қилган.

Нефт эвазига озиқ-овқат дастури доирасида қанча маблағ исзис йўқолгани тўғрисида турли ахборотлар мавжуд. Масалан, АҚШ Конгрессининг назоратчи органи санналимиш Бош бухгалтерия офисининг ҳисоб-китобларига кўра, Саддам Хусайн режими мазкур дастур доирасидаги олди-сотдилардан 4,4 миллиард долларни «соғиб олишга» эришган. Бундан ташқари 5,7 миллиард долларлик нефт Ироқдан ноқонуний йўллар билан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

АҚШдаги Демократия мудофааси жамғармаси тадқиқотчиси Клаудия Росеттнинг фикрича, «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури доирасидаги фаолият аксарият ҳолларда ёпиқ ҳолда кечган ва айни ҳол уни суиистеъмол қилиш учун қулай шароит яратган. Унинг таъкидлашича, дастур до-

ирасидаги шартномачиларнинг исм-шарифлари, махсулот ҳажми, трансакциялар, хизмат ҳақлари ва шу каби ахборотларнинг ҳаммаси БМТ ва Ироқ ўртасида махфий тутилган.

Шунингдек, унинг фикрича, мазкур дастур доирасидаги кўзбўямачиликларга яна бир ҳол — кимга нефт сотиш ва кимдан озиқ-овқат олиш масаласини Саддам Хусайннинг ихтиёрига тошириб қўйилгани ҳам сабабдир.

АҚШ оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастуридан айрим террорчи ташкилотлар ҳам фойдаланиб қолган. Масалан, ушбу дастурда иштирок этган банклардан бири, Лихтенштейнда жойлашган «Асат Траст Банк» кейинчалик БМТ томонидан «Ал-Қоида»га алоқадор ташкилотлар рўйхатига киритилган. Айни вақтга келиб терроризм тармоқларига алоқадорлиги ошқор бўлган «Дельта Сервис» фирмаси ҳам ўз вақтида «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастурида қатнашган. Швейцарияда жойлашган мазкур банк фаолияти айни вақтда тўхтатиб қўйилган.

Дастур атрофидаги шов-шувларга жавоб бериш ва масалага ойдинлик киритиш мақсадида БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ташаббуси билан тузилган махсус тафтиш комиссияси айни вақтда мазкур

БРЮССЕЛДА ЕВРОПА КУНИ НИШОНЛАНДИ

Биринчи май куни Европа Иттифоқи(ЕИ) раиси - Ирландия пойтахти Дублинда ЕИга ўнта янги аъзо-давлатни қабул қилиш маросими бўлаётган бир пайтда Брюсселда Европа куни кенг нишонланди.

тўғрисида шартнома имзоланди. Унинг таркиби ЕИнинг асосчилари ҳисобланган олти давлат - Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, ГФР ва Франциядан ташкил топди.

Мазкур давлатлар томонидан 1957 йил Римда Европа иқтисодий ҳамжамияти (у «Умумий бозор» деб ҳам аталади) ва «Евроатом» - Европа атом энергияси ҳамжамияти тўғрисида яна иккита шартномани имзолади.

1973 йил Европа ҳамжамиятларининг асосчи давлатлари катогрия Дания, Ирландия ва Буюк Британия, 1981 йил — Греция, 1986 йил — Испания ва Португалия қўшилди. 1992 йил Маастрихт шартномаси ушбу ўн икки

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида республикамиз олий ва профессионал таълим тизимининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. «Фарб - Шарқ» федерал жамияти ва «Фарбий-шарқий ҳамкорлик» жамғармаси билан биргаликда тайёрланган мазкур тадбирда ГФР таълим вазирлиги, олий ва махсус ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тақдимот маросимини очар экан, Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкаси парламенти вице-президенти ва «Фарб - Шарқ» жамияти вице-президенти Габриэле Кетчау икки мамлакат таълим соҳалари ходимлари ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш зарурлигини қайд этди.

Тўпланганларга 1997 йил қабул қилинган ва республикада турли ихтисосдаги мутахассисларни тарбиялашда асос бўлиб хизмат қилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мустақиллик йиллари-

да ёш авлод Европа, жумладан, Германиянинг етакчи университетларида таълим олиш имкониятига эга бўлганлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ — дейди «Жаҳон» АА муҳбирига Габриэле Кетчау. — Зарур ўқув маҳсулотлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, тажриба алмашиш кўламини кенгайтириш ниятимиз бор. Менимча, Ўзбекистон олий ўқув юртларида масофадан туриб таълим бериш услубини жорий қилиш бўйича тадбиркорлик ҳам яхши самара беради.

масала юзасидан зарур текшириш ишларини амалга оширмақда.

Комиссияга молиявий тафтиш ва халқаро ҳуқуқ борасида катта тажрибага эга уч киши танлаб олинди. Улар АҚШ Федерал заҳира банкнинг собиқ раиси Пол Волкер, Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг молиявий фибригарликлар бўйича эксперти Марк Пиет ва собиқ Югославия учун Халқаро жиноий трибунал ва Руанда учун Халқаро жиноий трибунал прокурори Ричард Голдстоунлардир. Мазкур комиссия фақат БМТ вакиллари эмас, балки «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастурига алоқадор барча шартномачилар, савдо агентлари ишнинг тафтиш қилади.

БМТ Бош қотиби айни муаммо ҳусусида ўз фикрларини баён этар экан, ушбу ишнинг охирига етиш зарур ва муҳим эканини таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу муаммони адолат билан текшириб, ҳақиқатни қарор топтириш Миллатлар ҳамжамиятига бўлган ишончга путур етказмаслик учун катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, Бош қотибнинг таъкидлашича, айни масалада бутун айбни БМТ зиммасига юклатиш мантқиққа зиддир. Лекин, текширувлар натижасида БМТнинг бирор бир вакили айбдор деб топилса, улар тегишли жазосини олади, деди жумладан Кофи Аннан БМТ бош қароргоҳида журналистлар билан учрашувда.

Маълумки, «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури 1997 йилда Ироқ халқининг егулик ва тиббиёт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ташкил этилган эди. Олти йил давом этган айни дастур доирасида 39 миллиард доллар миқдоридagi гуманитар ёрдам Ироққа етказиб берилган. Дастур доирасида умумий миқдори 64,2 миллиард долларга тенг нефт сотилган.

ро ишларда ЕИ мавқенин муस्ताҳкамлашдан иборат.

Европа куни Европа Иттифоқи учун евро - ягона пул бирлиги, Европа юлдузли мовий байроғи ва Европа маҳдудияси каби бош тинсоллардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда ушбу сана Брюссель ва ЕИга аъзо барча давлат пойтахтларида турли-туман тантанали тадбирлар билан байрам қилинмоқда. Европа Иттифоқи расмийлиги Европа кунидан бирлашган Европа халқларининг янада яқинлашувини фаллаштиришда кенг фойдаланишига интилоқда.

Бирлашган Европа пойтахти - Брюсселда 1 май куни мазкур иттифокнинг муҳим институтлари - ЕИ Кенгаши, Европарламент ва Еврокомиссияда очик ашиқлар куни ўтказилди. Уларга минглаб бельгияликлар ва Европанинг бошқа мамлакатлари фуқаролари ташриф буюрдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди

Бу — қизик

«ЕР ОЛМАСИ»-НИНГ ТАРИХИ

Картошка «иккинчи нон», деб ҳам таърифланади. Дарҳақиқат, бу неъмат таркибидоги озуқа моддаларининг тўқутарлиги нондан қолишмайди. Картошкада 18 фоиз крахмал, 2 фоиз оқсил, 1 фоизча шакар моддаси ва бир қанча витаминлар бор.

Мана шундай фойдали, серлаззат масаллик XVI асрда Жанубий Америкадан Европага келтирилганда уни ҳеч ким истеъмол қилмаган. Картошканинг тарихий йўли билан танишайлик. Ботаника тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг келтирган далилларига кўра, картошканинг ватани Чили ва Перу бўлган. Маҳаллий халқ буни тоғ ён бағирларида ўстирган ва номини «Паппа» деб аталган. Жанубий Американи қамал қилган испаниликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келадилар. Лекин бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бу ёввойи ўсимлик сифатидагина ўтиб юради. Италияга тарқалганда уни «тартуфоли» деб атайдилар, шундан «картофель» тушунчаси келиб чиқади. Францияга картошка XVIII асрда ўтади, бу ерда у «Пом де терр» номини олади, маъноси «ер олмаси» демакдир. Францияда картошканинг қимматли озуқа ва фойдали шифо эканини дастлаб доришунос олим Пармантье пайқаган. Пармантье картошка тўғрисида китоб ёзди, кўплаб эҳди ва ундан турли таомлар тайёрлаб кўпчиликни меҳмон қилди. У картошкани кенг тарғибот қилди, ҳатто қиролга ҳам мурожаат қилиб, шу ўсимликни кўплаб экиш зарурлигини айтди. Қирол олимнинг сўзига қулоқ ҳам солмайди, фақат саройга келтирган картошка гулини чаккасига тақиб олади. Шу шу бўлади-ю картошкани озуқа сифатида эмас, декоратив экин-гул сифатида тувакларда ва гулхоналарда ўстира бошлайдилар. Сарой оқсоқоллари эса камзулларининг соат чўнтақларига доим картошка гулини тақиб юришни одат қилиб оладилар.


Картошка фидойиси Пармантье қиролга мурожаат қилиб, ҳеч бир иш чиқара олмаганидан кейин илдииз тугунчаларини далага экади. Хосил гулга киргандан эътиборан чап томонга миллик-ли соқчилар кўйиб қўриқлатаверади, бу ишдан кўшни деҳқонлар хайрон бўлиб: «У даласига олтин экмадимикин, қўриқласа» дейишади. Ҳар ҳолда шундай одат бор: эҳтиёт қилинган нарсага уғри ўч бўлади. Соқчилар ухлагач, Пармантье даласидаги картошкани кавлаб олиб кетадилар. Сўнг уни гулханга ташлашади, хашаги куйиб илдииз тугунчалари қўрда пишиб қолади. Эрталаб бир чўпон буни тақиб кўрса ҳай-ҳай «ер олмаси» ни емабсиз-оламга келмабсиз!

Шундан сўнг ўзининг оч халқини боқишга боши қотиб юрган подшолар жонига картошка оро киради. Сўнг картошка барча Европа мамлакатларида экила бошлайди.

Шундай қилиб, бизда картошка бунда 120 йил муқаддам экила бошланган. Эндиликда картошка экмаган мамлакат йўқ. Картошка тўғрисидаги илмга совет олимлари жуда катта ҳисса қўшдилар. Чунинчи, жаҳонда 450 йил давомида картошканинг фақат бир хил нави экилиб келинар эди. Аммо 50 йил давомида олимлар картошканинг 150 дан ортик навини селекция қилдилар.

«Ер олмаси»нинг қисқача тарихи ва таърифи ана шундай.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»***Сизларни биржа савдоларига таклиф этади*

Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто улов аксессуарлари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автошина ва ғилдираклар.

Ҳар бир савдо дўконининг бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва birja@mail.tps.uz

*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»****Сизларни биржа савдоларига таклиф этади****Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:**

Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;



Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси;
Бошланғич нархи — 59 921 772 сўм;



Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlat'ta'limloiyhaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуси;
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;



«Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:
— СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,
— Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

ШУНИНГДЕК, САВДОЛАРДА «ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ ҲУДУДИДА ТУРГУН САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ СОТИЛМОҚДА.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва birja@mail.tps.uz

Спорт

ШАҲАР БИРИНЧИ-ЛИГИ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси уч кун давомида шаҳар дзюдо федерацияси билан биргаликда 1989-90 йилда туғилган қизлар ўртасида шаҳар биринчилиги мусобақасини ўтказди.

Унда «Олимпия» спорт клуби, 21-БЎСМ, шаҳар Касаба уюшмалари федерацияси спорт жамияти ва бошқа бир қанча ўқув муассасаларидан жами 55 нафар спортчи қизлар иштирок эттишти.

Гуруҳдаги баҳсларда биринчи ўринни «Олимпия» спорт клуби, иккинчи ўринни Касаба уюшмалари федерацияси спорт жамияти, учинчи ўринни 21-БЎСМ эгаллади.

Якка тартибдаги баҳсларда эса 30 килограммгача вазнда Нурелла Суванова, 33 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида Шаҳдо Мемаралиева, 36 килограммгача вазнда Феруза Есенбаева, 40 килограммгача яккакурашчилар ўртасида Роза Рузметова, 44 килограммгача вазнда Катя Блинковалар зафар кучишти. Қолган вазнларда Тая Карикова, Сабина Холматова, Феруза Гафурова, Настя Махарова ҳамда Елена Семёновалар ғолиб чиқишти.

Ғолибларга шаҳар спорт қўмитаси дипломлари ва ҳомийлар томонидан ажратилган совринлар топширилди.

ФАХРИЙЛАР ҚАДРЛАНДИ


Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси II жаҳон урушида қатнашган спорт фахрийлари ва уруш ноғиронлари учун байрам тадбирини уюштирди.

Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Алишер Ҳамроқулов барча фахрийларни табриклар уларнинг жасоратлари алоҳида қадрланишини таъкидлаб ўтди. Тадбир сўнгида шаҳар спорт қўмитаси томонидан фахрийларга пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтоҳур туманидаги «Кўкча-нон» Давлат кичик корхонаси ООО «Дода Юсуф» масъулият чекланган жамиятга айлантирилди.

Барча давралар 43-46-74 телефон орқали 2 ой муддат ичда қабул қилинади.



ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

«Ўзбекистон» телеканали Республика хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ўзбегим ўғлонлари» телешоу руқнидаги кўрсатувни эфирга тайёрлади.

Кўрсатув қаҳрамонлари — Чирчиқ олий танк қўмондонлиги муҳандислик билим юрти курсантларидир.

Билим юртининг етти нафар курсанти кўзи боғлиқ ҳолатда ав-



томатни ишлата билиш, граната улоқтириш, узоқ масофага югуриш, ошпазлик каби бир қанча шартлар бўйича беллашдилар.

Телешоуда курсантларнинг ота-оналари ҳам бевосита иштирок этди.

Тадбир сўнгида ғолиб курсантлар ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

СУРАТЛАРДА: «Ўзбегим ўғлонлари» телешоусидан олинган лавҳалар.

Муҳаммад Амин (Ўза) олган суратлар.

Тағбирлар

МЕҲР ҚОЛУР — ОҚИБАТ ҚОЛУР

Меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш савобли юмушлардан бири. Истиқлол шарофати туйғулари бир оғиз ширин сўзга, кўмакка муҳтож инсонларни ўз сафига бирлаштириб, уларга моддий-маънавий ёрдам бериб келаётган Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти фаолияти ҳақида кўп илиқ гаплар айтиш мумкин.

Истироҳат боғининг «Улугбек юлдузлари» ансамбли хонандалари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ҳавола этилди, дастурхон тузалди, ош тортилди. Меҳрга муҳтож ин-

сонларнинг фарзандлари эса шу кунни роса яйрашди. Боғининг аттракционлари болаларга бепул хизмат қилди.

— Меҳр кўзда, — дейди биз

билан суҳбатда Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов, — шу боисдан ҳам жамиятимиз аъзоларини сўлим боғга тақлиф этдик. Очиги, улар юзидаги қувончни кўрганда «Меҳрибонлик» жамияти ўз вазифасини имкон қадар бажаряпти, деган хулосага келаман. Меҳр ва мурувват йилда бу каби тадбирларни кўплаб ўтказамиз. Ахир ноғиронларга ёрдам бериш, улар кўнглини кўтариш, ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш асосий вазифамиз.

Ақбар Йўлдошев

Оғир атлетика

МАМЛАКАТ

ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиздаги МХСК спорт мажмуасида Ҳасан Исломов хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг очик чемпионати ҳамда фахрийлар ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Турнирда 100 дан ортик оғир атлетика усталари, жумладан қозогистонлик спортчилар ҳам иштирок эттишти.

Кучлилар ичида зўрларнинг кўрсатган натижалари сарҳисоб қилинган, қуйидаги спортчилар ҳурмат шоху-пасининг энг юқори поғонасидан жой олишти.

Энг енгил вазнда Мансур Маликхонов иккикураш натижасига кўра 182,5 килограммлик вазни забт этган ҳолда ғолиблар сафини бошқарди. 62 килограммгача бўлган кейинги вазнда Руслан Алфанов 237,5 килограмм натижа билан, 69 килограммлик ўртасида эса Шерзод Юсупов (икковни Тошкент вилоятдан) 295 килограммлик штангани кўтарган ҳолда чемпион бўлишти. 77 килограммлик ўртасида 310 килограммлик вазни кўтарган наво-

ийлик Маҳмуд Тоғаевга тенг келади-ганлар топилмади.

185 ва 94 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Мансур Чошимов (Тошкент шаҳри) ва Фарҳод Матқаримов (Хоразм вилояти) энг юқори натижаларни кўрсатишти.

105 килограммгача вазнда тошкентлик Александр Уринов силтаб кўтариш баҳсида 220 килограммлик оғирликни забт этиб, яккакураш бўйича 410 килограмм натижа кўрсатгани ҳолда Ўзбекистон рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, энг оғир вазнда ғолиб чиққан Андрей Мартмяновнинг кўрсатган натижаси Уриновникидан 55 килограмм паст бўлди.



Аёллар 58 ва 63 килограммгача бўлган иккита вазн тоифаси бўйича ғолибни аниқладилар. Бунда қозогистонлик икки спортчи Мерал Адильгайзина ва Гулноз Наурузоваларга тенг келадиганлар топилмади.

Фахрийлар ўртасидаги чемпионат ҳам ниҳоятда қизикarli ўтиб, унда икки ҳамшаҳаримиз — 62 килограммгача вазнда Георгий Аванов 115 килограмм натижа билан, 94 килограммгача вазнда эса Анатолий Кедрачев 175 килограмм оғирликни кўтарган ҳолда ғолиб чиқишти.

Республика очик чемпионати ва фахрийлар ўртасидаги чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақа ғолиб ва совриндорлари; навбатдаги вазн забт этилди.

Алексей Попов олган суратлар.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70, факс: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳафта — 2 босма табоқ офсет усулини бошлади. 4273 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чикади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-маъбада акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.